



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 25 декабр, шанба № 205 (1838)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Виктория ПАНФИЛОВА: САЙЛОВ ОШКОРА ВА ҲАЛОЛ ЎТАДИ

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда қузатувчи сифатида иштирок этаётган хорижлик меҳмонлар сафида Россияда чиқадиган «Независимая газета»нинг муҳбири Виктория Панфилова ҳам бор.

Ўзбекистоннинг икки палатали парламентга ўтиши муҳим сиёсий янгилик, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаётга қўйилган дадил қадамдир. - деди В.Панфилова ўзА муҳбири билан суҳбатда. -Юртингизда ўта-жақ сайлов ҳусусида Россия оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ранг-баранг материаллар бериб боришмоқда.

Марказий Осиё давлатлари вақти-вақти билан келиб, мақолалар тайёрлаганим туфайли юртингизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан етарлича хабардорман. Сайловда мамлакатингиздаги беш партиядан, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзодларнинг галаба учун кураши мавжуд сиёсий мухитнинг соғломлигидан далолатдир.

Сайловни ёритиш жараёнида журналист масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда тўғри фикрни оммага етказиши лозим. Сайловда қузатувчи сифатида иштирок этаётганлар ҳам ўз мақомида собит турмоғи шарт. Қузатувчи ўзи истаган ҳолатни эмас, балки мавжуд вазиятни, реал воқеликни ҳолисона қузатмоғи ва унга ўзининг тўғри баҳосини бермоғи лозим.

Сайлов очик, ошқора ва ҳалол ўтишига ишонаман. Бунга етарлича асос бор, деб ҳисоблайман. Боиси мамлакатингизда шаклланган сайлов қонунчилиги кўпчилик сайловчининг овозини олиш учун фирмор технологиялардан фойдаланишга имкон бермайди.

(ЎЗА)

Кузатувчи нигоҳи

Мамлакатимизга сайловда қузатувчи сифатида иштирок этиш учун ташир буюрган хорижий меҳмонлар турли қорхона, муассаса ва ташкилотлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишмоқдалар. Хиндистон Миллий конгресси партияси котиби Анил Шастри уларнинг бири.

- Хиндистон билан Ўзбекистоннинг дўстона алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани бизни қувонтиради, - деди ўзА муҳбири билан суҳбатда. - Отам Лаъль Баҳодир Шастри хотирасига Ўзбекистонда алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиши мени беҳад тўқинлантириб юборди. Бу туйғунининг Тошкент марказидаги хайкали пойига гул қўйиш чоғида айниқса теран ҳис этдим.

Икки палатали парламентга бўлажак сайлов халқингизнинг демократия йўлида қўйилган яна бир дадил қадам бўлишига шубҳам йўқ. Сайлов мамлакатингиз қонунчилиги ва халқаро андозаларга мос, транспарент, демократик руҳда ўтишига ишонаман.

Сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоиз квота ажратгани айниқса эътиборга сазовор. Бу имконият хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини янада кенгроқ таъ-

Анил ШАСТРИ: ҲАЯЖОНИМ ЧЕКСИЗ

Минлашда муҳим омил бўлади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг барчасида ҳам хотин-қизларнинг ҳокимият тузилмаларида иштирокини кенгайтиришга бу даражада улкан эътибор қаратилмаслиги сир эмас.

Айни пайтда юртингизда ёш авлод тарбиясига устувор вазифа деб қаралишига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган

Миср Араб Республикаси савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Ҳамди Ҳамди Абдулайнейн ўз фикрларини ана шундай бошлади. - Ўзбекистон ва Миср давлатлари тарихан дўст ва ҳамкор халқларимиз эса азалдан бир-бирини ҳурмат қилиб, қўллаб-қувватлаб келади. Биз тобора ривожланаётган дўстлигимиз, яхши алоқаларимизни беҳад қадрлаймиз.

Мисрлик қузатувчилар юртингиздаги сайлов жараёнида илгари ҳам иштирок этган. Аммо, бу галги сайловни қузатиш учун катта ва нуфузли делегация бўлиб келдик. Улар орасида таниқли сиёсатчилар, депутатлар, элчилар, журналистлар бор.

Мисрда ҳам икки палатали парламент фаолият юритади. Ўзбекистоннинг ҳам муайян тай-

Ҳамди АБДУЛАЙНЕЙН: ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАГИ ОДИМЛАРИНГИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистондаги парламент ислохоти, умуман, сизнинг давлат ва жамият қурилиши жаҳасидаги ибратли тажрибангиз таҳлилга бағишлаб алоҳида анжуман ташкил этдик. Зеро, Ўзбекистон ростида ҳам бу борада эътироф этса ва ўрганса аризулик муваффақиятларга эришмоқда.

Биз мамлакатингизнинг демократия, тараққиёт, ҳамжихатлик йўлидаги барча саъй-ҳаракатларини оқори баҳолаймиз. Бу беҳиз эмас. Пойтахтингиз дар-

возаси - аэропортданок ҳар қандай ҳолис меҳмон ривожланган, фаровон, истиқболли порлок ва дўсту ҳамкор учун бағри ҳамиша очик мамлакатта ташир буюрганини ҳис этади.

Алишер Навоийдек буюк шоирлар, Аҳмад ал-Фаргонийдек улуг алломалар яшаб ўтган юрт қанчалик гуллаб-яшнаса, шундай мўътабар зотларнинг ворислари қанчалик бахтли ва тўқис ҳаёт кечирса, шунчалик муносиб, шунчалик ярашади.

Сайланажак янги парламент шундай эзгу мақсадлар ижобатида қаратилган қонунлар яратиш билан қатъий шуғулланишига ишонаман.

(ЎЗА)

Пётр ГАЛЬКЕВИЧ: АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимининг шакллантирилиши демократик жараёнларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди, деган фикрданман, - дейди МДХ ижроия қўмитасининг маслаҳатчиси Пётр Галькевич, профессионал парламентнинг юзага келиши олий вакиллик органининг мамлакат сиёсий ҳаётида янада фаол иштирокини таъминлайди. Бу галги сайлов Ўзбекистон учун беҳад катта аҳамиятга эга. Қузатувчи сифатида ўта муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни билан танишаёلمиз. Кеча республика темирйўлчилар Маданият саройида жойлашган сайлов участкасида бўлдим. Таассуротларим яхши.


26 декабр куни Қашқадарё вилоятининг Қарши, Нишон ва бошқа қатор туман ва шаҳарларида бўламан. Шубҳасиз мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, бу борада эришилган ютуқлар эътиборга молик. Азим Тошкентда илк бор бўлишим. Чиройли шаҳар, файзи ўзи билан бирга. Менда ҳар томонлама яхши таассуротлар қолдирди. Бўлажак сайловга келсак, унинг демократик руҳда, очик ва ошқора ўтишига ишонаман.

«Ишонч» муҳбири Незмат РАФИҚОВ суҳбатлашди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи Термиз шаҳридаги 65-сайлов округида 78 та сайлов участкаси мавжуд бўлиб, уларда 109 минг 247 сайловчи овоз бериши учун керакли шароит яратилган. Жорий йил округдан 4050 сайловчи биринчи марта сайловда қатнашди.

236-сайлов участкасида 2125 сайловчи овоз беради, шулардан 190 нафари сайловда илк бор қатнашди. Шу сабабли бу ерда ўн битта сайлов участка аъзолари келганларга тинимсиз тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Суратда: Термиз шаҳридаги 65-сайлов округ раиси Мираҳмад Мирсобуров ва 236-сайлов участкаси раиси Мухаммади Ашуров илк бор овоз берадиган сайловчиларга сайлов қондаларини тушунтириш пайтида.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидан

Овоз беришнинг бориши ва натижаларига оид ахборот тақдим этиш вақти тўғрисида

Аккредитация қилинган барча журналистлар ва қузатувчилар ДИҚҚАТИГА

2004 йил 26-27 декабр кунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан ахборотлар берилди:

Марказий сайлов комиссиясининг Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16-уйда жойлашган Матбуот марказида:

26 декабр соат 13.00 да - овоз беришнинг соат 12.00 гача бўлган ҳолати тўғрисида;

26 декабр соат 17.00 да - овоз беришнинг соат 16.00 гача бўлган ҳолати тўғрисида;

26 декабр соат 22.30 да ва 27 декабр соат 9.00 да - бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари тўғрисида;

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида:

27 декабр соат 18.00 да - Марказий сайлов комиссияси раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари тўғрисида аккредитация қилинган барча журналистлар ва қузатувчилар иштирокидаги матбуот анжумани.

Инсонга наф келтириш - олий бахт

Лаофат Ахророва қарийб 25 йилдан буюн Бекобод туманидаги Дехқонobod ширкат хўжалиги далаларида меҳнат қилади. Утган йиллар мобайнида у ўзининг қамтарона меҳнатларини қадрдон дала-ларидан аямасди. Ҳамкишларини, қасбдошларни каторида пахта далаларида тер тўкиб, рўзгор ташвишлари билан, фарзандларини улағайтириш ташвишлари билан банд бўлди.

СИҲАТТОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши та-шаббуси билан туманимиз далаларида кўп йиллардан буюн меҳнат қилиб кела-ётган меҳнатқашларни рағ-батлантиришга қарор қил-ди. Бу ишда асосий таъ-чимиз бошланғич ташки-лотлар бўлди. Уларнинг тақлифлари туман қўмита-си томонидан кўриб чи-қилди. 20-25 йиллардан буюн далаларида ишлаб ке-лаётган беш нафар касаба уюшма аъзолари танлаб олиниб, уларга санаторий-ларда даволаниб келиш учун бепул йўлланмалар бериладиган бўлди. Шу-ларнинг ичиде Л.Ахророва ҳам бор эди. Бекобод ширкат хўжалиги аъзоси Зарифа Бурнонова, Улугбек номили ширкат хўжалигидан Мақсуда Кенжаева, «Дал-варзин» ширкат хўжалиги-дан Мухтарам Солиева ҳамда «Ўзбекистон» шир-кат хўжалигидан Аббор Хо-лиқовлар ҳам пойтахт си-хаттоҳларида бепул дам олиб келади деган бўлиши. Ҳарajatлар касаба уюшма бўлаги ҳисобидан тўлан-ди.

Умарали ҲАКИМОВ, Агрорасноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Бекобод туман қўмитаси раиси

Енги, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши тасарруфида 80 та қорхона ва ташкилот фаолият юритмоқда. Тармоқда 35 мингга яқин киши меҳнат қилади. Шу жумладан 22 мингга яқини хотин-қизлардир. Тармоқ кенгашининг ҳисобот давридаги амалий ишларида инсон омилни, яъни ёлланган меҳнат ходимларининг меҳнат ва маиший шароитларини, турмуш фаровонлигини яхшилашга катта аҳамият берилди. Раёсат ва пленум йиғилишларида кўрилган масалаларнинг 130 таси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, 15 таси меҳнат муҳофазасига, 95 таси меҳнат муносабатларига оид-

Ижтимоий ҳимоя

биат қўйида жамулжам бўлиб ўтказишга одатланиш-ган. Хайру саховат юмушларига касабақўм билан иш беврувчи ҳамиша бош-қош. Кей-инги йилларда эҳтиёжманд хонадонларга 2,5 миллион сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, шундай қорхоналар ҳам борки, иш беврувчининг бепарволиги, энг ачинарлиси, касаба уюшма қўмитасининг лоқайдлиги боис инсон омилга эътибор сезиларли пасайган. «Анди-жонхизмат» ҳиссадорлик жа-мииятида ана шундай аҳволни қузатиш мумкин. Ёлланма

МАҲСУЛОТИМИЗ ЭКСПОРТГА

«Ўзбекистон ўрамли томёпкич ашёлари комбинати» ҳис-садорлик жамияти Урта Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда мингдан ортққ турли касб эгалари ҳамкору ҳамжихатликда меҳнат қилишмоқда. Қайфиятга кўп нарсга боғлиқ, албатта. Меҳнат муносиб равишда қадрланса, цехларда шароит яхши бўлса, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизмат-чилар соғлиғи, яхши дам олиш ҳақида қайғуриб турса, ютуқ-лар салмоғи кўпаяверади.

Қувончлиси шуки, жорий йилнинг ўтган даври мобайни-да катта ҳажмдаги маҳсулот хорижа экспорт қилинди. Бун-да қўли гул ишчилар, рационализаторларнинг муносиб ҳис-саси бор. Қардон машинаси бошқарувчиси Турғунбой Исо-ков, прессласовчи Одинахон Йўлдошева ҳамда смена устаси Аҳмадали Кенжаев каби фидойилар фахримиздир. Қорхо-намиз Сиҳат-саломатлик йили бўлиши 2005 йилни меҳнат-да муносиб ютуқлар билан қарши олмақда.

С.АБРОРОВ меҳнат фахрийси

Бизнинг номзод

АЗИЗ ЮРТОДЛАР!

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлаган сайловларда Сизни Ўзбекистон халқ-демократик партиясидан кўрсатилаётган номзодга овоз беришга чақирамиз.

ИСАЕВ МАҲМУДЖОН НИҒМАТОВИЧ



Исаев М.Н. - 1959 йилда Урганч шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1976 йили Тошкент шаҳридаги 75-ўрта мактабни олтин медалга битирди. 1981 йилда Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент политехника институтини имтиёзли тугатди.

1993-1994 йилларда аввал Тошкент политехника институтини, сўнгра Тошкент кимё-технология институтини илмий-педагогик факультет билан шуғулланди, илмий ишининг барча босқичлари - катта лаборантликдан илмий-тадқиқот лабораториясининг мудирига қадар бўлган йўлни босиб ўтди.

1990 йили техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1994 йили Ўзбекистон халқ-демократик партияси сафига кирди.

1994 йилдан бошлаб Республика касабаси уюшмалари тизимида меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. 1994-1998 йилларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасида инструктор, бўлим мудири лавозимларида ишлади.

1998 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

М.Исаев ўзининг касабаси уюшмалари тизимидаги фаолияти давомида бутун эътиборини меҳнат, бандлик, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий мулоқот, меҳнат муҳофазаси ва иш ҳақи каби асосий тамойиллар ва ҳуқуқларнинг ҳаётга жорий этилиши йўналишлари бўйича муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқда.

Касабаси уюшма аъзолари ижтимоий ҳимояси тизимини таъминлашдаги жамоа шартномалари ва келишувлари ролини кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий-адолатли тизимини татбиқ этиш, ходимлар учун қулай ва хавфсиз иш шaroитини яратишда касабаси уюшмалари ташкилотларига доимий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Унга овоз бериб Сиз: - шаҳар ижроия ҳокимияти, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг вакиллари ўртасида меҳнат баҳасида ижтимоий мулоқотни кучайтириш учун; - бандликнинг янада кенгайтириш, муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шaroитини уюштуруш; - иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўлиниши учун; - чекланган имкониятли шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун;

- фуқаролар ва миллатлар ўртасида тинч-тотув ҳаёт учун овоз берган бўласиз.

Саволларингизга ЎЗКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

САВОЛ: маъмурий бошқарув тизимида ишловчи ходимларнинг меҳнатларини ҳаққоний баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида корхонанинг алоҳида ўз меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мумкинми? К.ШАРБИДИНОВ, Балиқчи тумани

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ҳодим ўртасида келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабаси уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Кўришиб турибдики, нодавлат мулк шаклига мансуб корхона ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимини танлаш Биздаги маълумотларга қўра, одатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосан вақтбай ҳамда ишбай шакллари ва қуйидаги жадвалда келтирилган тизимлари қўлланилади.

Table with 3 columns: Mehnatga haq to'lash shakllari, Mehnatga haq to'lash tizimlari, and specific details like tariff, notary, and commission systems.

Биздаги маълумотларга қўра, одатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосан вақтбай ҳамда ишбай шакллари ва қуйидаги жадвалда келтирилган тизимлари қўлланилади.

Table with 3 columns: Mehnatga haq to'lash shakllari, Mehnatga haq to'lash tizimlari, and specific details like tariff, notary, and commission systems.

ҳақи миқдорини аниқлаш учун - республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақини шу ҳодимнинг тариф коэффициентига қўлайтириш лозим.

3. Меҳнат Кодексининг 156-моддасига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, шу тартибда (яъни 153-моддада кўрсатилган тартибда) ўзгартирилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яққа шартларини ҳодим учун нуқулга томонга ўзгартиришга истисно тариқасида технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдир-

нинг ижтимоий-адолатли тизimini жорий этишга қўмаклашиши; - меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида асосий табақаланиш ва камситишларни бартараф этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни ўрнатилган бўлиши билан иш ҳақининг кафолатланган (яъни тариф) қисмини ошириш, бир ҳил қийматдаги меҳнат учун ходимларни тенг рағбатлантириш тамойилига риоя этиш мақсадларига эришиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ ва локал ҳуж-

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартибига биноан таътиллаш вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш қуйидаги тариқасида бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаш даврида тариқасида бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорнинг (яъни ишбай асосида ишлаб топиладиган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақи қўшимча ҳақлар ва ижтимоий сўғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган бошқа тўловларнинг) ўн иккидан бири (олти ой тўлик ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлик ишлаганларга еттидан бири) ва ҳоказолар; ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўндан бири) қўшилади.

Ижтимоий сўғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333 рақам билан рўйхатга олинган Низомнинг биринчи иловасида келтирилган. Бу қуйидаги тўловлар:

- 1. Ишлатилмаган таътил учун компенсация;
2. Ишдан бўшатил нафақаси;
3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган ҳар хил пуллик тўловлар;
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик харажат пуллари ёки суткалик харажат пуллари ўрнига бериладиган тўловлар, ходимлар саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши қоплаш тўловлари);
5. Ходимларнинг айрим тоифаларига бепул бериладиган уй-жой, коммунал хиз-

матлар, ёнилғи, йўл чип-латлари нархи ёки уларни қоплаш қийматлари;
6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа яққа тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва доволлаш-профилактика озиқ-овқати қийматлари;
7. Бепул овқатланиш қиймати;
8. Овқатланиш учун до-тациялар, санаторий-курортларда доволанишга ва дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, турғун ва амбулатория доволаниш хара-жатлари тўловлари;
9. Бошқа ҳудудда ишлаш учун кўчиб ўтиш билан боғлиқ йўлқира, мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни иҳрага олиш харажатларини қоплаш;
10. Домдий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда суткалик харажат пуллари ўрнига иш ҳақи тўланадиган қўшимча ва устамалар;
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказилмайдиган ҳақ тўланмайдиган иш кўрсатиш (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш ҳақи;
12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва ҳулал меҳнат фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар);
13. Мусоабқалар, кўриктанловлардаги совринли ўринлар учун берилган пуллик мукофотлар;
14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиша юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар;
15. Ойлик ёки ўрта махсус билим юртини битир-гандан сўнг берилган таътил учун ёш мутахассисларга корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан тўланадиган ёрдам пуллари;
16. Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақа ва пенсиялар.



да (агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг аваллий шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса) ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйи-лиши мумкин. Бўлажак ўзгартириш ҳақида ҳодим камидан икки ой олдин оғohlантири-лиши керак бўлади.
4. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот - касабаси уюшмаларининг - меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидаги-лардан иборат:
- иш ҳақининг меҳнатга ун-довчи ролини кучайтиришга, унмдор ва сифатли меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни яратишга, меҳнатга ҳақ тўлаш-

жатарни касабаси уюшмалари билан келишиб олиш таъмин-лидан самарали фойдаланиш;
- меҳнатнинг янги меъё-ларини ишлаб чиқиш ва тасдиқ-лаш ишларида иштирок этиш, иш ўринларини шаходатлаш жараёнида меҳнат меъё-рлари қайта кўриб чиқи-лишини талаб қилиш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг но-тариф тизими қўлланилишини имкон қадар чеклаш;
- жамоа музокаралари жара-ёнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам соатбай миқдорларини, ишларнинг техноло-гик тур-лари бўйича ишчилар учун қўлайтирувчи тармоқ коэф-фициентларини ўрнатиш, иш ҳақини ноконуний равишда на-тура шаклида тўланиши тақ-қиланишига риоя этиш;
- иш ҳақи ўз вақтида тўла-ниши устидан қатъий назорат ўрнатиш, иш ҳақидан муда-дати ўтган қарздорликни бартараф этиш учун барча қонуний чо-ра-тадбирлар қўриш.

САВОЛ: меҳнат таъти-лига чиққан ходимнинг таъ-тил даври учун тўланадиган бarcha тўловлар ҳисобга оли-надими?
Р.ТОЛИПОВ,
Бука тумани



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси янги йилдан бошлаб Тошкент-Бухоро йўналишида янги «Шарқ» тезюар поезди катновини йўлга қўяди.

«ШАРҚ» - НАВБАТДАГИ ТЕЗЮАР ПОЕЗД

Пойтахтимиздаги «Тошкент йўловчи таш-ши вагонларини таъ-мирлаш заводи» акция-дорлик жамиятида ўтган матбуот анжумани-да янги поездининг ўзига хос имконияти ва қулайликлари хусусида сўз борди.

Шу йилнинг боши-да Тошкент-Самарканд йўналишида «Регистон» тезюар поезди қатнай бошлаган эди, - деди ушбу жамият раиси Фарух Дадахўяев. - Янги очилаётган йўналишдаги поезд ҳам жа-ҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланади. Хар бир вагонда теле-визор, иситиш, сову-тиш ва ёритиш мосла-малари хуллас, йўловчилар учун барча шaroит мўҳайё этила-ди.

Шу пайтгача поезд-лар Тошкент ва Бухоро оралигини ўн икки ярим соатда босиб ўтар эди. Мутахассис-лар фикрича, «Шарқ» бу вақтни қарийб беш соатга қисқартиради,

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Гофуржон Маҳмудов 18 йилдан бери аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилиб келмоқда. Кулоқ, бурун касалликлари шифокори Гофуржон акани фарғоналиклар тажрибали врач сифатида ҳурмат қилишади. Вилоят шошилинч тиб-бий-илмий марказида узоқ йиллар ишлаб, минглаб бемор-ларни дарддан фориғ этди.

Яқинда Гофуржон ака Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 3-шаҳар шифохонасида ҳўжалик ҳисобидаги кулоқ, бурун касалликлари бўлимини ташкил этди. Бу ерда беморлар учун барча шaroит яратилди. - Кириб келаётган Янги йил «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши зиммамизга янада улкан вазифаларни юкламоқда, - дейди кулоқ, бурун касалликлари бўлими бош ҳақими Ф.Маҳмудов. - Албатта, остонамизга ёрдам, мадад сўраб келган беморларга дармон бўлиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш биз шифокорларнинг бурчидир.



Суратларда: Фарғона шаҳридаги 3-шифохонанинг ҳўжалик ҳисобидаги кулоқ, бурун касалликлари бўли-ми бош ҳақими Гофуржон Маҳмудов; шифохона физи-отерапия бўлими мудири С.Ўртада Наргиза Жўраева ҳамширалар даврасида.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар

Шарҳловчи минбари ҚОЧҚИНЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚДА

БМТнинг қочқинларни ватанига қайтаришга қўмақ-лашини дастури ёрдами билан жорий йил охирига қадар тўрт юз мингга яқин афғонистонлик қочқин-Покистондан юртига қайтди.

Афғонистондаги узоқ йиллик уруш оқибатида минглаб одамлар қири-либ кетди, миллионлаб одам хориждан бошпана ахтаришга мажбур бўлди. Вақт ўтиши билан афғон заминига нотинч-ликларга секин-аста бар-ҳам берилиб, афғон ҳа-қи яна ипчиласмоқда, тарқалиб кетган қарин-дош-уруғлар яна топил-моқда. Қочқинларни узоқ йиллик сарғардонлик жабридан қўтқаришда БМТнинг мажzur дастури мумкин ўрин тутмоқда.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда БМТ Хавф-Эрондан ҳам қарийб 800 минг қочқин ватанига қайтишга муваффақ бўлди. Покистон, Афғонистон ва БМТ ўртасидаги мах-сус келишувга мувофиқ фаолият қўрсатган ушбу дастур 2006 йил март ойида минтақада фаоли-ятни тугатиши кўтилмоқ-да. Бу иш батамом ту-гаганини аналгамайди, албатта. БМТ мутахас-сисларининг таҳминига қўра, Покистондаги ла-герларда ҳали яна мил-лионга яқин афғонис-тонлик қочқин бор. Уларга ҳам қўмаклашиш зарур. Шу боис мажzur дастурнинг хизматига эҳтиёт ҳали сақланиб қолади. (УА)

Баҳмал туманининг Шойбек қишлоғида иқтисодий йўналишдаги касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топши-рилади.

МУНОСИБ СОВҒА

Янги ўқув маскани замонавий ўқув хона-лари, спорт зали, ўз-урили ётоқхона ва ош-хонага эга. Унда олти ўз нафар йигит-қиз молия, бухгалтерия-аудит, статистика, банк иши, менежерлик ва тикувчилик йўналиш-лари бўйича таҳсил ола-ди.

Вилоят бўйича жо-рий йилда бунёд этил-ган касб-ҳунар коллеж-лари сони олтига етди. Айни пайтда 34 коллеж, икки академик лицейда 21 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётир.

Касаба уюшма тadbири МЕҲР ТУЛШАНИ

Инсонийлик гултожони азал-азалдан меҳр-мурувват ва саховатпешалик фази-латлари беэаб келган. Зеро, ўз аъмоли-ни бундай эзгуликка буркаган хар кан-дай киши руҳан енгиллашади, қалбида ёруғлик сезади. Бундан олам ҳам ран-гинлашади. Ана шундай борлиқни нурга чўлгаб яшаётган инсонлар юртимизда қўплаб топилади.

Яқинда Ўзбекистон Алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги ҳамда тармоқ хо-димлари касабаси уюшма Марказий кўми-таси ҳамкорлигида «Энг саховатли оила» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтқа-зилди. Тадбир том маънода меҳр-мурув-ватни улугловчи маросимга айланиб кет-ди. Унда иштирок этган савобталаб ало-қачиларнинг хайрли ишлари барчани яқшиликка, ёрдамга муҳтож кишилардан меҳрни дариг тутмасликка ундади.

Улардан бири - норинлик Матлуба-хон Сайдалиева ўз оиласи эл ичида са-ховатпешалиги билан ҳурмат қозонган. М. Сайдалиева турмуш ўртоғи билан тўрт фарзандни тарбиялаш билан бирга ота-онадан барвақт етим қолган ака-сингли-нинг бошини силаб, яхши инсонлар этиб улғайтиришди. Меҳр тенгсиз қудратга эга, дейишгани рост экан. Улар тутин-ган оналари касбини эгаллашни астой-дил мақсад қилиб, Норин транспорт ва алоқа коллежиде таҳсил олишмоқда. Мажzur хонадон эгалари саҳийлигидан маҳалладошлари ҳам бебаҳра қолшма-япти. Улар ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатиш, яққа-ёғиз нурунини ўз қарамоғига ол-гани ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияла-нувчиларига мунтазам совға-салом ту-ҳфа этиш билан кўпчиликнинг дуосини олишмоқда. Ун саккиз йилдан бунён алоқа соҳасида ишлаб келаётган Маҳ-муд Жалилов эса ўзининг одамийлиги, меҳри дарёлиги билан нафақат ҳамкас-блар, балки барча юртодшлари олқишига эга бўляпти. У Бухоро шаҳар телеком-муникация боғламасида етакчи муҳандис. М. Жалилов қаровечисиз қолган икки кек-са қўшини ҳўлдан доимо хабар олиб туради. Ногирон ва ёрдамга муҳтожлар-дан мурувватини аямайди. Оққўнجل ин-сон қариндоши бевақт ҳаётдан кўз ю-гандан сўнг, унинг ёш қизчасини ҳеч ик-киланмай бешинчи фарзанд сифатида оиласига қабул қилади.

Пахтабод почта алоқа тармоғи хо-дими Турсуной Турсунбоева фидойилигини таърифлашга тил охиж. Турсуной опа Дилдоракон ва Азизбекни Меҳрибонлик уйдан фарзандликка олганда улар ҳали чакалоқ эди. Бахтониз ҳодиса тўғрйли эридан айрилган муштирап аёл учун улар-

ни боқиб ўстириш осон эмасди. Шунга қара-май у бева ҳолида норасида гўдаклари оқ ювиб-оқ тараб, ўз болалари қаторида элга қўшди. Улар Турсуной опани ўз туққан она-сидай кўришади. Янгийўл телекоммуника-ция боғламаси бошлиғи Жумабой Бўтаев ҳам савобли ишлар қилишни ўз ҳаётининг маз-муни, деб билган инсонлардан эди. У болали-гидан ота-онасиз ўсган йигитнинг никоҳ тўйи харажатини кўтариб, ёш оилага ўз маблағи ҳисобидан икки хонали уй олиб берди. Ку-тилмаган автохалокатдан вафот этган укаси-нинг ўғли ва қизини вояга етказиб, уйли-жойли қилди. Ҳозирги пайтда Жумабой ака 4 нафар ёғиз қария ва 2 та кам таъмин-ланган оилага моддий қўмақ кўрсатиб кел-моқда. Бундан ташқари, қашқадарёлик Му-яссар Усмонова, фарғоналик Носиржон Де-ҳқонов, жиззахлик Олимжон Бойматов, на-манганлик Абдухалил Жабборов, тошкент-лик Хусан Тolibожонов, хоразмлик Собир-жон Жуманиёзовлар оилаларининг ўзабо-на бағрикенглиги, оқибатлиги тўғрйли меҳрга муҳтож одамларга қўрсатилган ин-соний муносабатини бирор нарса билан қиё-лаш имкони бормикини?

Халқимизда «Ўнг қўлинг билан қилин-ган савобини чап қўлинг билмасин» деган нақл бор, - дейди тармоқ ходимлари касаб-аси уюшма Марказий кўмитаси раиси Тоҳир Назаржонев. - Танловни ўтказишдан бу хай-рли ишларни кўз-кўзлаш мақсад қилинган-ни йўқ. Улар ёзма тасвиёнома кўринишида ҳақамалар ҳўқмига ҳавола қилинди.

Иштирокчилар эса ўз чиқаришлари орқали меҳр-оқибат туйғусини гўзал кўринишда ифодалаб беришди. Зотан, асосий мудабо кўнглини эзуш ниятларга эш қилган инсон-ларнинг бошини бир жойга тўплаб, уларни савоб юмушларга янада рағбатлантириш-дан иборат эди. Улар ижросидаги ёқимли ашулалар, жозибадор рақс ва таъсирчан саҳна кўринишлари тадбир кўрғига кўрк ба-ғишлади. Айниқса, Жабборовлар оиласи-нинг маҳорат билан кўрсатган иборат ун-довчи томошаси, Жуманиёзовлар ижроси-даги хоразма уйини, Жалиловлар хондо-ни вакиллариининг чиройли аллалари томо-шабинларга манзур бўлди.

Танлов якунида ҳақамалар хайрати «Қаш-қадарё матбуот тарқатувчи» ОАЖ вакили Му-яссар Усмоновалар оиласини муллоқ голиб деб топди. Кейинги ўринлар Норин туман телекоммуникация боғламаси ходими Мат-лубахон Сайдалиева ва «ЎЗИ-Жиззах» қўшма корхонаси мутахассиси Олимжон Бойматовлар оилаларига насиб этди. Го-либ ва қатнашчилар агентлик ҳамда Мар-казий кўмитанинг қийматбаҳо эсдалик со-вғалари билан тақдирланди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» муҳбири



ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

Луқмони Ҳаким айтиди: «Емонлик ўтини ёмонлик ўчиради» деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёкиб кўринг, улар бир-бирини сўндирадиларми?
Емонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради.
Юсуф Хос Ҳожиб айтиди:
«Емонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўлмайди. Емон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.
Бир фозил одамдан:
- Молу дунёси кўп бўлган одамнинг

дўстлари, оғайнилари ҳам кўп бўлади. Бунинг сабаби нима? - деб сўрадилар.
Фозил айтди:
- Молу дунё баъзи кишининг махбубаси ва маъшуқасидир. Маъшуқа қаерда бўлса, ошқлар унга бош эгадилар. Маъшуқа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошқлар у кишининг ёнига йўламайдилар.
Кўрмайсизми, гул ўз этагига зар тўлатиб ишва-карашмалар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадҳини сўзлайди.
Гул кесилиб, фақат шами ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди.
А.АЛИЕВ



ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Кўргазма ЎЗГАРМАС ВА ДОИМО ЎЗГАРУВЧАН ОЛАМ

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида «Ўзгармас ва доимо ўзгарувчан олам» мавзусида кўргазма очилди. У таниқли меъмор, мухаввир ва дизайнер Муҳаммадхон Фозиллов ижодига бағишланган. Кўргазмада муаллифнинг икки юздан зиёд асарини намойиш этилмоқда. Коинот, бутун борлиқнинг сир-асрорини мафункорлигини мўйқалам воситасида акс эттириш мусаввир асарларининг бош мавзусини ташкил этади. Бу жиҳатлар айниқса унинг «Аждодлар руҳи», «Тош устидаги шаҳар», «Машриқу Магриб» каби асарларида яққол намоён бўлади.
Рассомнинг миллий руҳ билан йўрилган картиналари нафақат юртимиздаги галерея ва музейларда, балки Буюк Британия, Испания, Франция, АҚШ, Швейцария каби давлатлардаги шахсий коллекцияларда ҳам сақланмоқда.
(ЎЗА)

Бор бўл, оқибат!

хафтасига 2 марта видео кўрсатувлар намойиш этилади. Республикадаги «Саховат» уйларида бири ҳисобланган мазкур жамоага Президенти

Қарангки, тақдир тақозоси билан бу ерга келиб даволанаётганлар бир-бирларига кўнгли қўйиб янги оила қуряптилар. Улар алоҳида



Дунёда инсонларнинг бир-бирига яхшиликларидан-да савобли иш йўқ. Бунга биз Яққабобдаги «Саховат» уйида бўлганимизда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Жамоа раҳбари Нўмон Қурбоннинг таъкидлашича, «Саховат» уйида янни пайтда 160 киши яшамокда. Асосан улар нафақа ёшидаги қаришлар, шунингдек, 18 ёшдан ошган I ва II гуруҳ ногиронларидир.



Умумий майдони 3 гектардан иборат шифо маскани табиатининг гўзаллиги, саранжом-сарияшталари билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар йили баҳорда мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиши тўғрисида йил-яилда янада файзли бўлиб бораётир.
«Саховат» уйига таширф буюраётганларнинг кети узилмайди. Пенсиядорлар ҳолидан доимий равишда хабар олиб турган меҳр-муруватли инсонларнинг борлиги ўқис қалбларга малҳам бўлапти. «Тўлқин» ва «Меҳрўз» ишлаб чиқариш фирмалари, Муборак газни қайта ишлаш корхонаси маъмурияти ҳамда қасаба уюшма қўмитаси, тадбиркор Гулчехра Прикмуловалар томонидан «Саховат» уйига кўрсатилаётган ҳомийлик

ЯҚҚАБОБДАГИ «САХОВАТ» УЙИ МЕҲРАЛАБ ҚАЛБЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛАЁТИР

ёрдамлари отахону онахонларни мамнун этмоқда.
Бу ерда эмин-эркин яшаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ногиронларни муттасил ижтимоий ҳимоя қилиш маъмурият этиборида. Улар йилга 2 марта тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Виллоят 2-сонли кўза касалликлари шифохонаси ва «Паландара» шифохонада даволаниб қайтган кексалар қайфияти чоғ.
Қаришлар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун чой-хона ишлаб турибди. Бу ерда

махсус уйлар билан таъминланган. Хусусан, Умида Нормуродова билан Эркин Қурбон, Бозор Тўхтаев билан Ибатов Муқимов, Ринат Абдусатторов билан Саида Эргашевалар турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечиряётир.
2005 йилни мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги «Саховат» уйи жамоасини янги марралар сари ундади. Бу ерда муъжазига спорт мажмуаси қурилиши лойиҳалаштирилди. Мажмуа битгач, доимий равишда спорт билан шуғулланиши имкони яратилади.

Зайниддин РИХСИЕВ, Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбирлари Суратларда: «Саховат» уйи фаолиятдан лавҳалар



Биласизми?

Одам танасида рўй берадиган ўзгаришлар сабабларини билиш борасида муҳим назария яратган олимлардан бири канадалик Ганс Селъе ҳисобланади. У XX асрнинг 30-йилларида тиббиёт институтининг талабаси сифатида турли хил касалликларига чалинган беморларни кузатиб, касаллик табиатидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасига хос умумий ўзгаришлар мавжуд, деган хулосага келди ва ўзининг стресс назариясини яратди.

«МАЪДАН БУЙРАК» МОДДАСИ

Океан тубидаги минераллар орасида энг қимматлиси инглиз океанографик экспедицияси томонидан топишган ва «маъдан буйрак» деб аталган картошка катталигидаги қорамтир марганец кўшқисидир. Унинг қай йўсинда ҳосил бўлиши ҳозиргача маълум бўлмаса ҳам, аммо бу минерал, шубҳасиз, қимматлидир. «Маъдан буйрак» моддаси таркибининг 50 фоизини марганец ташкил қилади.

Шунингдек, унинг таркибида 2 фоиз кобальт, бир фоиздан никель ва мис бор. «Маъдан буйрак» моддаси таркибига кирадиган темир ва марганецлар океанга дарё ҳамда денгиз оқимлари орқали, шунингдек, сув остидаги вулкон отилишлари ва океан тоғларининг ёмирилиши натижасида ҳосил бўлади. Бу металлнинг зарарчалари сув остида аста-секин катталашаверади.

СТРЕСС - ЗҮРИКИШ ДЕГАНИ

Стресс реакциясини вужудга келтирувчи барча омиллар эса стрессорлар деб аталади. Мазкур назария биология ва тиббиётнинг турли тармоқлари ривожланишида ҳозирда ҳам катта ўрин тутаяди.
«Стресс» инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида «зўриқиш» деган маънони билдиради. Инсон танасидаги ижобий ва салбий таъсир курсорлари омили, яъни стрессорлар тўғрисида даставвал гипотеза беэининг олдинги қисмидан адренекортикотроп гармони одатдагидан кўпроқ ажралиб чиқа бошлайди ва ўз навбатида буйрак усти безларининг пўстлоқ қисми ишини қулайтиради.
Бадан хар хил зарарли таъсирларга «жавоб» бериб ўзини ҳимоя қилади. Бунда ички секретсия безлари ҳам иштирок этиб, қонга қўллаб гармон ажратиб чиқара бошлайди.

Ёш аскар уйдан хат олди.

Хатни оқганида ичидан бир варақ оқ қоғоз чиқди.
- Биласанми, оғайни, - деди у ўртоғига, - армияга жўнаш олдидан қайлиғим билан уришиб қолгандик. Шундан бери гаплашмаймиз.
Ресторанда қутилмаганда кимдир кичирди:
- Ердан беринг!
- Нима гап? Нима бўлди!
- Менга тезлик билан шу бифштексини кесиб берадиган одам келар.
Қария:
- Нима учун хомушсан, ўғлим!
Ёш шоир:
- Эшмат Шекспирнинг ким эканини билмас экан.
Қария:
- Билмасан билмас. Сизга нима?
Ёш шоир:
- Бир кун эмас, бир кун мени ҳам унутиб юборишлари мумкин-да...
- Ҳўш, кўвингиздан хурсандимиз?
- Хурсандман-у, лекин шохмат ўйнашни билмас экан-да.

ҲИМ ШАБАССУМ

- Бунинг нимаси ёмон?
- Уйини билмасан ҳам ўйнавераркан.
Бемор дўстига шикоят қилади:
- Икита врачга учрашдим. Бири денгиз бўйида бўлишни, иккинчиси пийёда юришни маслаҳат берди. Қайси бирини қилишни билолмай ҳайронман.
- Нимасига ҳайрон бўласан. Икковининг маслаҳати ҳам яхши. Денгиз бўйига пийёда боролар.
- Ҳайронман, хотинимнинг туғилган кунига нима олсам экан?
- Уздан сўраб кўюлар.
- Э, менда бунча пуй қалқда дейсан...
Автомеханик анча вақт автомобилнинг тагида ивиришиб юрди, кейин моторини титқилади, кейин туриб шалқасини олди, бошини қашлади-да, машина эгасига деди:
- Агар бу автомобилнигиз от бўлганида, уни отиб ўлдиришни маслаҳат берардим.

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.